O'ZBEKISTON RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATA
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
21 январь
ШАНБА

№ 6
(11.809)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

*Қишлоқ мулкдорлари*

## ТЎРТ ФАСЛ МУЖАССАМ

**Қибрай туманидаги «Бураота» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган тадбиркор Шуҳрат Мираҳмедов бошчилигидаги хусусий иссиқхонага кирган киши айни қиш чилласида йилнинг тўрт фаслини бирйўла кўз олдига келтириши мумкин.**

Бу ерда бир томонга экин экилаётган бўлса, бир томони бўй баробар кўчатлар қийғос гулга кирган, яна бир томонда эса шиғил-шиғил ҳосиллар териб, пешма-пеш саранжомлаб олинаётганига гувоҳ бўласиз.

Тадбиркорга тегишли ойнаванд иссиқхонанинг умумий майдони 6 гектар. Унинг 4 гектарида помидор, қолганида бодринг етиштирилади. Ҳозиргача сабзавоткорлар улгуржи буюртмачилар ва аҳоли дастурхонига 200 тонна помидор, 10 тоннадан ортиқ сара бодринг етказиб бердилар. Маҳсулотларга айниқса, пойтахт бозорларида талаб юқори бўлаётир. Шунга яраша моддий самарадорлик ҳам ортмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлигини ошириш тадбиркорлар эътиборидан четда қолаётгани йўқ.







***СУРАТЛАРДА:*** *(юқорида) теримчи Гулзода Ҳусанова кунора 100-120 килограммдан ҳосил узмоқда; иссиқхона меҳнаткашлари кундалик иш жараёнида.*

**Фазлиддин АБДУРАСУЛОВ олган суратлар.**

*Ер эгаси эртага ким бўлади?*

## МЕҲР ВА ИШТИЁҚ БИЛАН

**Бугунги куннинг барчага аён ҳақиқатларидан бири шундай: ерга меҳр қўймаган, ундан унумли, оқилона фойдалана билмайдиган, деҳқончиликка ихлоси суст, боқиманда кайфиятдаги инсондан чинакам фермер чиқмайди.**

Ҳақиқий ер эгаси замин билан «тиллаша» оладиган, уни битмас-туганмас бойлик, беназир имконият санайдиган, мелиоратив ҳолатини мудом яхшилаб боришга уринадиган, ер умрини беҳуда ўтказмайдиган омилкор деҳқон бўлсагина, ишда самарадорликка эришилади, бундан фермер ҳам, эл-юрт ҳам наф кўради.

Оққўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишган киши фермерлик ҳаракати аграр соҳа ривожини юқори босқичга кўтараётган муҳим тармоқ эканлигига амин бўлади. Мазкур хўжалик ташкил топганидан буён ўтган саккиз йил мобайнида ўз имкониятларини ҳар тарафлама кенгайтириб, нафақат туманда, вилоятда, балки, мамлакатимизда ҳам кўзга кўриниб улгурди. Ер эгаси Абдумалик Каримов вилоятимизнинг олди фермерларидан бирига айланди.

Фермер эришаётган муваффақиятларнинг ўзига хос омиллари бор, албатта. Бироқ, уларнинг энг асосийси ва муҳими шуки, унинг ўз ерларига бўлган меҳри, деҳқончиликка иштиёқи баланд. Сўзимиз далили учун биргина жиҳат: фермер ўз тасарруфидаги ерларни мудом кенгайтириб, тупроқ шароитини яхшилаб боришга астойдил бел боғлаган ва бунинг учун барча имкониятларини ишга солиб келаётир.

Мисол учун, хўжалик ташкил этилган дамлар унга қарашли экин майдони у қадар катта эмасди. Боз устига, тупроқнинг табиий унумдорлиги анча паст бўлиб, ширкат хўжалиги даврида шу ерларда ҳосилдорлик пахтадан 12-15 центнер атрофида эди. Фермер экин майдонини деярли йилма-йил кенгайтириб бориб, умумий ҳажмини 176 гектарга етказди. Ҳосилдорлик ҳам қарийб икки баравар кўтарилди. Бироқ, Абдумалик Каримов бу билан чегараланиб қолмоқчи эмас. У бу йил тугатилаётган ширкат хўжаликлари майдонларининг яна бир қисмига эга бўлиш ниятида. Аниқроғи, тумандаги тарқатилаётган Навоий номли ширкат хўжалигининг ерларига ёндош 50 гектарлик лойиҳасига талабгор бўлиб, тендер комиссиясига ариза берган. Фермер ўз имкониятлари танлов ҳайъати томонидан юқори баҳоланишига ва ғолиб чиқиб, умумий ер майдонини 225 гектардан оширишга қатъий ишонч билан курашмоқда.

— Пахта ва ғалла етиштириш бўйича муайян тажриба эгаллаб улгурдик, — дейди фермер йилнинг якуний ҳисоб-китобларини баён этар экан. — Натижаларимизни бундан ҳам юқорилатишга имкониятимиз ҳам, куч-қувватимиз ҳам етарли, деб ўйлайман. Ўтган йил биргина пахтачиликнинг ўзида режани 125 фоизга уддалаб, давлатга қўшимча 50 тонна «оқ олтин» топширдик. Ҳосилимизнинг ҳаммаси юқори навларга сотилди. Ғалла билан қўшиб ҳисоблаганда йиллик соф фойдамиз 47 миллион сўмга етди.

Абдумалик Каримовнинг фермер сифатидаги яна бир ўзига хос жиҳати, у қишлоқ хўжалик техникаларига деҳқоннинг қўшқаноти, чинакам мададкори, беминнат дастёри деб қарайди ва техник негизни мустаҳкамлашга ана шундай муносабатда бўлади. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, ўз техникасига эга бўлмаган фермер мавсумда бир гектар ерда ҳосил етиштириш жараёнида техника харажати учун 120 минг сўм қўшимча пул сарфлар экан. Шу боис фермер йилдан-йилга хўжалигини янги, замонавий техника воситалари билан мустаҳкамлаб бормоқда.

Фермер улкан мақсад ва режалар билан янги мавсумга тадорик кўрмоқда. У ўз фаолияти мисолида ер эгаси ким бўлишини-ю, ундан қандай жиҳатлар талаб қилинишини намоён этиб келмоқда, десак хато бўлмайди.

**Темур ҲАЙДАРОВ.**

*Президент табригини ўқиб*

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — КАМОЛОТ МАКТАБИ

**Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширишга киришилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг илк қадамларидан бири 1992 йил 14 январда республика ҳудудидаги барча Қуролли Кучларнинг Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказилгани бўлди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ягона ҳарбий давлат сиёсати ишлаб чиқилди ва «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар ҳамда ҳарбий Доктрина қабул қилинди.**

Ўшандан буён ўтган даврда мамлакат Қуролли Кучлари тизимида кенг кўламли ва туб ислоҳотлар амалга оширилди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилиб, асосий эътибор ҳарбий қисм ва муассасалардаги мавжуд шарт-шароитларни профессионал армия талабларига мослаб такомиллаштиришга қаратилмоқда. Айниқса, ҳарбий таълимни ислоҳ қилиш жараёнида армия учун сув билан ҳаводек зарур бўлган барча ҳарбий мутахассисликлар бўйича юксак малакали офицер кадрлар тайёрлаш изчил йўлга қўйилди. Шунингдек, сержантлар тайёрлаш мактабларининг ташкил этилганлиги мамлакатимизнинг мавжуд ҳарбий округлари қисмларини ҳар жиҳатдан чиниққан ҳарбийлар билан таъминлаш ва шу йўл билан келажакда профессионал армияни юксак ғоявий-сиёсий, жисмоний ва жанговар тайёргарликдан ўтган шахсий таркиб билан таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимиз тарихи ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улкан воқеа — Қуролли Кучлар Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказилгани муносабати билан 14 январь «Ватан ҳимоячилари куни» деб эълон қилиниб, ҳар йили ушбу сана катта байрам сифатида нишонланмоқда. Ўтган даврда Ўзбекистон миллий Қуролли Кучларини бугунги стратегик ва тактик талаблар асосида қайта ташкил этиш ва ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ишлар қандай самара берганлиги Юртбошимизнинг байрам арафасида эълон қилинган Ватан ҳимоячиларига табригида тўла баён этилиб, навбатдаги вазифалар аниқ белгилаб берилди. Эндиликда мамлакат Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки том маънодаги шон-шараф ишига айланганлиги аниқ мисоллар асосида изоҳлаб берилган ушбу байрам табриги ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Буни таҳририятимизга келиб турган мактубларда ҳам яққол кўриш мумкин.

— Юртбошимизнинг «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»ни ўқиб, — дейди Қуйичирчиқ тумани Навоий номли ширкат хўжалиги меҳнат фахрийси Озод Акбаров, — бир пайтлар ҳарбий хизмат бурчимни ўтаган дамларим ёдимга тушди. 1961-1964 йилларда қурилиш батальонида ҳарбий хизмат бурчимни ўтаганман. Очиғини айтсам, буни ҳарбий хизмат дейишга тилим бормайди. 3 йил давомида ҳарбий қуроллар у ёқда турсин, бирор кун милтиқ билан ҳам машғулот ўтказмабмиз. Бор-йўғи икки ҳафталик карантин муддатидан сўнг оддий аҳоли қатори умумий меҳнатга сафарбар этилганмиз. Эртадан кечгача қиладиган ишимиз шаҳарча кўчаларини тартибга келтириш, йўлакчалар қуриш, ариқчалар қавлаб, четларига дарахт кўчатлари экиш, гулзор барпо этиш, хуллас, шаҳарчани кўкаламзорлаштиришдан иборат эди.

Президентимиз табригида ҳозирги халқаро террорчилик ва экстремизм ҳақидаги «Биз ана шу хатарли таҳдид ва мисли кўрилмаган тазйиқларга, туҳмат ва уйдирмалар оқимига мардона қарши тура олдик, ҳар бир оила ва бутун мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлашга муваффақ бўлдик ва бугун қатъий ишонч билан ўз келажагимизни барпо этмоқдамиз», деган сўзларни ўқиб, хаёлимга шундай фикрлар келди: «Агар бугун эл-юрт ҳимояси мен юқорида таърифлаган «кўкаламзорлаштирувчи аскарлар»га қолганида аҳвол нима бўларди?..»

Ҳайриятки, собиқ иттифоқ давридаги сохта ҳарбий хизмат усуллари барҳам топди. Энди ўзимизнинг мустақил миллий Қуролли Кучларимиз бор. Ҳарбий қисмлардаги хизмат шароитлари ва машғулотлар жараёнини ойнаи жаҳонда мунтазам намойиш этилаётган кўрсатувлар орқали кузатиб бораяпмиз. Юртбошимизнинг иборалари билан айтганда «... бизнинг армиямиз юртимизнинг муқаддас сарҳадларини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, мусаффо осмонимизни доимо муносиб ҳимоя қила олади, деб қатъий ишонаман».

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»**

*«Ташаббус — 2006»*

## КЎРИК-ТАНЛОВ ТАРАДДУДИ

**Вилоят ҳокимлигида «Ташаббус – 2006» кўрик-танлови ҳудудий босқичи таъсисчилари ва ташкилий қўмитаси умумий мажлиси бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Зиёвиддин Ниёзов бошқарди.**

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларига айланиб бораётган кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор тобора кучайтирилмоқда, уларнинг халқ хўжалигидаги мавқеи эса мустаҳкамланаяпти.

Бундай тадбиркорлик тузилмаларини барпо этиш, юритиш учун қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар кенгайтирилмоқда. Февраль ойида шаҳар ва туманларда ўтказиладиган «Ташаббус – 2006» кўрик-танлови ҳам шундан далолат беради.

Мажлисда ўнинчи марта уюштирилаётган мазкур тадбирни уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтказиш чора-тадбирлари белгилаб олинди, харажатлар сметаси, якуний кўрик ўтказиш ҳайъати таркиби тасдиқланди.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичи шу йил 3 март куни Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида ўтказилади.

Мажлис кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилди.

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар аввало аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга, жумладан, уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга қаратилган.**

## СОТИБ ОЛИНГ, УЙ ҚУРИНГ

Шунга амал қилиб, вилоятимизда ўтган йили умумий саҳни 380 минг квадрат метрдан зиёд уй-жойлар барпо этилди.

Бунинг асосий қисми якка тартибда қурилган уйлардир. Ўтган йили вилоятимизнинг барча ҳудудларида ҳаммаси бўлиб 595 та ер участкаси кимошди савдоларида талабгорларга сотилди. Бунинг эвазига 101 миллион сўмдан ортиқ маблағ тушди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

**Юқоричирчиқ тумани Янгибозор спорт мажмуасида вояга етмаган ёшлар ўртасида кураш мусобақаси бўлиб ўтди.**

### ПОЛВОНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, «Камалак» болалар ташкилоти, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Нуроний» ҳамда болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ва туман мудофаа ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда 12-15 ёшли 120 нафардан зиёд талабгор ғолиблик учун курашди.

Қизғин беллашувлар остида ўтган мусобақада 40 нафар ёш курашчи ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқиб, ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Мўмин ИБОДОВ.**

**Янгийўл туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи 3300 нафар аҳоли тиббий ёрдам олиш учун 10 километр узоқликдаги Халқобод поликлиникасига қатнашга мажбур бўларди. Энди бундай оворагарчиликка чек қўйилди.**

### ОВОРАГАРЧИЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Ҳудудда янги, замонавий қишлоқ шифокорлик пункти бунёд этилди. Шифо масканида аёллар ва болаларни эмлаш, физиотерапия, лаборатория ҳамда даволаниш учун кундузги стационар хоналари мавжуд. Олий маълумотли врач ва тажрибали ҳамширалар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқдалар.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

### ҒОЛИБЛАР ОЛМАЛИҚДАН

**Умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлардан 100 га яқин ўқувчи иштирок этди.**

Олимпиаданинг республика финал босқичида иштирок этиш учун 5 нафар иқтидорли ўқувчи танлаб олинди. Уларнинг барчаси Олмалиқ шаҳридан.

Ғолиб ва иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Нигора АБДУРАҲМОНОВА.**

### ҚЎШМА КОРХОНАЛАР УЛУШИ

**Бўстонлиқ туманининг экспорт салоҳияти ошишига бу ердаги қўшма корхоналарнинг улуши катта бўлаяпти.**

Ўтган йил давомида экспорт учун режадагидан 1,5 баробар кўп маҳсулот тайёрланишига эришилди ва натижада буюртмачиларга 1 миллион 222 минг АҚШ доллари миқдорида турли хил саноат ва қурилиш буюмлари жўнатилди. Айниқса, Ўзбекистон — Нидерландия — Англия ҳамкорлигидаги «Ғазалкент-Ойна», Ўзбекистон — Италия — «КАСТ» қўшма корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларга кун сайин талаб ошиб бормоқда.

Туманда янги йилдан Ўзбекистон — Италия ҳамкорлигида барпо этилган «Кинер-Тош» корхонаси ҳам иш бошлади. Бу ерда тайёрланаётган мармар ашёларига МДҲ давлатларидаги ишбилармон доиралар харидор бўлмоқда. Яқинда корхона Қозоғистонга 100 000 АҚШ доллари миқдорида маҳсулот тайёрлаб бериш учун навбатдаги шартномани имзолади.

**Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.**

2006 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси - 205.

# МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

## МОЗИЙ КЎЗГУСИ

**Самарқанд Давлат музей-қўриқхонасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбекмузей" жамғармаси билан ҳамкорликда "Музейлар фондидаги экспонатларнинг рўйхатга олиниши ва сақланиш ҳолатларини ўрганиш" мавзусида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.**

Анжуманга мамлакатимиздаги музейлар раҳбарлари ва илмий ходимлар таклиф этилди.

Семинар кенгашда мавжуд музейлар фондидаги экспонатларни рўйхатга олиш ва сақлаш, шунингдек, музейлар фаолиятини такомиллаштириш, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш хусусида сўз юритилди.

**ЎзА.**

## СОЛИҚҚА ОИД ЯНГИЛИКЛАР

**Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрларига оид қарорида жорий йилда ҳам солиқ юкини камайтириш ёки солиқ солишнинг соддалаштирилган усулларини қўллашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.**

Юқорида номи зикр этилган қарорга мувофиқ, шу йил 1 январдан бошлаб экология солиғи, юридик ва жисмоний шахслар савдо корхоналарида савдо қилиш ҳуқуқи учун тўлайдиган ойлик йиғимлар бекор қилинди. Даромад солиғи тўловчи корхоналар учун солиқ ставкаси 12 фоиз этиб белгиланди.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, ягона ер солиғи, акциз ва ягона солиқ тўлови ҳамда бошқа солиқ турлари борасидаги ўзгаришлар ҳақида кенг маълумот бериб борилиши қайд этилди.

**ЎзА.**

## МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Миллий истиқлол ғояси – маънавий юксалиш ва тараққиёт омили" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Унда мазкур академия тингловчилари, олий ва ўрта махсус, халқ таълими вазирликлари мутасаддилари, ўқитувчилар иштирок этди.

Анжуманда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича яратилаётган дарсликларни давр талаби даражасига кўтариш, ўқитувчиларни замонавий билим ва ғоялар билан қуроллантириш, таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик технологиялар ва услублардан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳоким ўринбосарлари ва туман ҳокимларининг минтақавий семинари давом этмоқда.**

Навбатдаги машғулот юртимизда ижтимоий соҳада кечаётган ислоҳотларга бағишланди.

Семинарда Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритилди. Мактабларда салкам беш юз минг нафар ўқитувчи ва мураббий фаолият кўрсатмоқда. Улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими ҳаққонийлик ва холислик тамойилларига асослангани боис барча педагоглар ва кенг жамоатчилик томонидан катта миннатдорлик билан кутиб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Россия Федерацияси билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Мамлакатларимиз ўртасида кўплаб йўналишларда алоқалар изчил ривожланиб бормоқда.**

## «ВИММ-БИЛЛЬ-ДАНН» ОДИМЛАРИ

Ўтган йили пойтахтимизда Россиянинг "Вимм-Билль-Данн" компаниясининг корхонаси очилгани мамлакатларимиз ўртасида самарали иқтисодий ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир. Жорий йилдан бошлаб унда юқори сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади.

"Вимм-Билль-Данн" компаниялар гуруҳи таркибига 28 комбинат бирлашган. Юртимизда очилган янги корхона ҳам шулар жумласидан. "Вимм-Билль-Данн" сут маҳсулотлари, мева шарбатлари, болалар озиқ-овқати ва минерал сув ишлаб чиқариш бўйича МДҲдаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг йиллик айланма маблағи бир миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

2004 йилда Ўзбекистон ҳукумати билан мазкур компания раҳбарияти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзолангач, "Вимм-Билль-Данн" "Тошкентсут" очиқ акционерлик жамиятига қарашли Тошкент сут комбинати акцияларини сотиб олди. Ўтган вақт мобайнида корхонага юксак технологияли қувватлар жорий этилиб, бир кеча кундузда 100 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

"Вимм-Билль-Данн" яқин кунларда савдо дўконларига йигирмага яқин турдаги сут маҳсулотларини чиқаришни режалаштирган.

**ЎзА.**

*Улар ҳақида кам ёзилади*

## МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПДИ

**Жамиятимиздаги туғма нуқсонли, ногирон болаларнинг муносиб таълим-тарбия олишлари, савод чиқариб, дунёвий билимларни ўзлаштиришларида жойларда фаолият юритаётган махсус мактаб-интернатларнинг аҳамияти катта. Уларда ёшлар тарбияси билан шуғулланаётган устоз ва мураббийларнинг фидокорона меҳнатлари, кунт ва саботлари ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.**



Моҳир педагог, мураббий Баҳодир Эшонқулов ҳам шундай фидойи инсонлар сирасидан, десак хато бўлмайди. У ўн олти йилдирки, Ўртачирчиқ туманидаги 124-махсус мактаб-интернатда туғма хасталикка дучор бўлган ўқувчиларга тарихдан сабоқ бериб, уларни ўтмиш қаъридаги воқеликлардан, мамлакатимизнинг буюк истиқлол йўлидан воқиф этиб келмоқда.

Мазкур мактаб-интернатда айни вақтда 136 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётир. Уларга бошланғич таълимдан 9-синф дастуригача бўлган ўқув-машғулотлар ўтилади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

— Бундай муассаса тарбияланувчиларига таълим бериш бироз машаққатли, аммо ғоят шарафли, деб биламан, — дейди Баҳодир Эшонқулов. — Биздан аввало, фидойилик, сабр-қаноат ва юксак меҳр-мурувват талаб этилади. Бу даргоҳ тарбиячисининг билими талаб даражасида, дунёқараши анча кенг бўлиши зарур. Чунки, туғма нуқсонли, ногирон болалар орасида фавқулодда иқтидорлилари, зеҳни ва тафаккури юқорилари жуда кўп. Шу боис ҳам, дарсларга қайта-қайта тайёргарлик билан кираман, белгиланган ҳар бир мавзуга, у узоқ ўтмишга дахлдорми ёки айни замонгами, жиддий, атрофлича ёндашишга ҳаракат қиламан. Бу ерда бизга тикилган қора кўзларнинг ҳар бири бир олам. Улар ҳам жамиятда бировдан маънан кам бўлмаган ҳолда камол топишга, олам сир-синоатларидан, ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисалардан истаганча баҳраманд бўлишга ҳақлидирлар.



**СУРАТЛАРДА:** *Баҳодир Эшонқулов махсус интернат тарбияланувчилари даврасида; интернатда спорт машғулотлари.*
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Муаллимнинг дарсларини кузатсангиз, тингловчига нисбатан ана шундай илиқ ва самимий муносабатга гувоҳ бўласиз. Тарих ўзи қизиқ фан, Баҳодир Эшонқулов сабоқларининг ноанъанавий услубларга, мунозарали, жонли суҳбатларга бойлиги эса дарсларнинг янада мароқли, самарали бўлишини таъминлайди.

Ҳар қандай фидокорона меҳнат ўз ўрнида рағбатлантирилиши, эътироф этилиши табиий. Жонкуяр мураббий Баҳодир Эшонқуловнинг ёшлар, хусусан, туғма нуқсонли болалар тарбиясига бўлган эътибори ва ғамхўрлиги давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

**Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

## ҒАЛЛАЗОР ЯЙЛОВ ЭМАС

**Вилоятимиз ғаллакорлари яхши ниятларни дилга тугиб, минглаб гектар майдонга сара уруғ қадашган. Бугун қалин туплаётган майсалар эртага бўлиқ бошоқларга айланиб, омборларни тўлдиради, элимизнинг ризқ-рўзига барака киритади. Шу боис ғаллазорлар пайҳон қилинишига йўл қўймаслик учун барча шахсий масъулиятни ҳис қилмоғи лозим.**

Бу борада вилоят ички ишлар идоралари ходимлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, шу асосда иш юритмоқдалар. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинлари, хўжалик раҳбарлари, фермерлар билан биргаликда ғалла майдонлари пайҳон бўлишининг олдини олиш, хусусан, уларга чорва молларининг кириб кетишига йўл қўймаслик мақсадида қишлоқ ва маҳаллаларда, кенг жамоатчилик орасида тушунтириш ҳамда тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Далаларда кузатув постлари ҳамда отлиқ патруллар жорий этилиб, рейдлар ўтказилмоқда. Шунингдек, экин майдонларига автотранспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникалари кириши ҳамда экинларнинг пайҳон бўлишига олиб келадиган бошқа қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўрилмоқда.

Бироқ, таассуфки, ҳар йили айнан шу мавзуда олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатларга қарамай, экинзорларнинг пайҳон бўлиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Бунга асосан маҳаллий аҳолининг беparволиги, чорва моллари қаровига масъулиятсизлиги, аксарият ҳолларда бу ишни ёш болалар ихтиёрига бериб қўяётгани сабаб бўлмоқда.



Шу ўринда аниқланган маълумотларга мурожаат қилсак. Вилоятимизда ғалла экиш бошланганидан буён ғалла пайҳон бўлиши билан боғлиқ 127 та ҳолат қайд этилган. Жумладан, Бекобод туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги 2-бўлимида яшовчи Н. Тожиқулнинг олти бош қорамоли яқин атрофдаги буғдой даласининг 0,08 гектарини, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида яшовчи А. Жонибекка қарашли 6 бош қўй эса шу ширкат хўжалигининг 0,02 гектар буғдойзорини шу туманнинг «Фарҳод» ширкат хўжалигида яшовчи М. Раҳматалининг олти бош қорамоли хўжаликнинг 0,02 гектар ғалласини пайҳон қилган.

Бундай нохуш ҳолатлар Чиноз, Юқоричирчиқ, Пскент ва бошқа туман экинзорларида ҳам қайд этилаётир. Аниқланган ишлар бўйича тўпланган ҳужжатлар тегишли туман судларига юборилди.

Ана шундай кўнгилсизликларга тамомила барҳам бериш мақсадида ҳар бир ҳолат қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида, жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинмоқда.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ИИБ матбуот маркази катта инспектори.**

**Юқоричирчиқ тумани педагогика коллежида ёшларнинг китобга бўлган иштиёқларини ошириш мақсадида «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови ўтказилди.**

## ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган тадбирда иштирокчилар тўртта шарт бўйича ўзаро баҳслашдилар. Барча шартларни аъло даражада бажарган А-1 гуруҳи талабаси Шаҳодат Латипова 70 балл тўплаб, танлов ғолиби бўлиб, вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## «РАҚҚОСА»НИНГ ИЛК ҚАДАМИ

Паркент туманидаги «Навбаҳор» қишлоқ фуқаролар йиғини туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан 2005 йилда амалга оширилган ишлар якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда йил давомида хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан ўтказилган тадбирлар натижаси ҳамда 2006 йилги режалар муҳокама қилинди.

Шу куни қишлоқда янги ташкил этилган «Раққоса» фольклор дастасининг дастлабки чиқишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Даста фаолиятини ривожлантириш мақсадида «Навбаҳор» ширкат хўжалиги томонидан 200 минг сўм маблағ «Раққоса» ҳисобига ўтказилди.

**СУРАТДА:** *даста иштирокчилари.*
**Даврон АҲМАД олган сурат.**



Чиноз туманидаги «Олмазор» ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан даъво ва аризалари бўлган корхона ҳамда ташкилотлар 1 ой давомида тугатиш комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

**Телефон: (8-259) 36-878**

**Тугатиш комиссияси.**

*Саломат бўлинг*



## САМАРАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Шу кунларда дунё ҳамжамияти диққат-эътиборидаги муҳим воқеалардан бири инсон саломатлиги учун ўта хавфли бўлган «парранда гриппи»нинг кўп жойларда тарқалиб кетаётганлигидир. Зеро, ҳар қандай касални даволашдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ. Шу маънода мамлакатимизда ушбу касалликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган муҳим чора-тадбирлар самараси аҳолининг огоҳлигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиз.

Гарчи, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг маълумотига кўра, мамлакатимизда «парранда гриппи» манбалари аниқланмаган бўлса-да, минтақамизда, ҳатто, қўшни республикалар — Россиянинг Новосибирск, Омск, Қозоғистоннинг Павлодар вилоятида вазият мураккаблашганлигини ҳисобга олиб, кескин чоралар кўришга киришилди.

Тошкент вилоятининг энг катта туманларидан бири Оҳангаронда ушбу вазият юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат санитария-эпидемиология назорати Оҳангарон шаҳар-туман бош шифокори Баҳром Алматов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Оҳангарон шаҳар-туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда вилоят эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссиясининг шунга доир қарорлари асосида бир қатор вазифалар ишлаб чиқилди. «Парранда гриппи» касаллигининг келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида барча хўжалик юритувчи субъектлар ва якка тартибда меҳнат фаолиятини олиб борувчи тадбиркорларга Россия Федерацияси, Қозоғистон, Руминия, Болгария, Туркия давлатларидан келтирилган тирик товуқ, товуқ гўшти, тухуми ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотларни юртимизга олиб кириш вақтинчалик тўхтатилди.

Оҳангарон туман ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари, коммунал хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, қишлоқ фуқаролари йиғинлари, сув хўжалиги раислари, ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳамда озиқ-овқат тармоғи ходимлари иштирокидаги фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссияси йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан масъул шахслар жавобгарлиги қатъий назорат остига олинган. Жумладан, «Барака-Парранда», «Шаршара» хусусий паррандачилик фермалари раҳбарларига амалдаги санитария қоидалари ва меъёрларига қатъий риоя қилган ҳолда хўжалик атрофларини тўлиқ ўраш, дезбарьер ва санитария блокларини таъмирлаш, режадаги барча дезинфекция ва дератизация ишларини қатъий тартиб асосида ўтказилишини таъминлаш топширилди. «Элит-бар», «Юлдуз» хусусий фирмалари раҳбарлари «парранда гриппи» кириб келишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилишида камчиликларга йўл қўйганлиги сабабли маъмурий жавобгарликка тортилди. Тумандаги мавжуд 16 та савдо шахобчаларида ушбу қарорлар ижроси юзасидан рейд ўтказганимизда, четдан келтирилган парранда гўштларининг назоратдан ўтказилмай сотилаётганлиги аниқланди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, шаҳар давлат автомобиль назорати ходимлари билан биргаликда бозорларда, савдо шахобчаларида четдан келтирилаётган, овчилар томонидан отиб келинган ёввойи парранда гўштларининг сотилиши ман қилинди. Ушбу чора-тадбирлар «парранда гриппи»дан сақланишда ўз натижасини бериши тайин. Лекин, Оҳангарон тумани ўзининг ер майдони, табиий шарт-шароити, ҳайвонот дунёси, келиб-кетувчи турли ёввойи қушларнинг мавжудлиги, яъни касалликнинг тарқалишига сабаб бўлувчи жиҳатлари билан ажралиб туради. Шунинг учун «парранда гриппи»га қарши ўтказилаётган чора-тадбирларда барча фаол иштирок этиши зарур.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Сайёра РИХСИЕВА суҳбатлашди.**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорлари ва ҳукмига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб, ноқонуний, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилишини**

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. «УАЗ-469» русумли автомобиль, давлат рақами 11 N 0365, техник носоз, **бошланғич нархи — 240 000 сўм.**

2. «УАЗ-5565» русумли автомобиль, давлат рақами 30 E 9862, техник носоз, **бошланғич нархи — 200 000 сўм.**

3. «ГАЗ-66» русумли автомобиль, давлат рақами 11 L 6391, техник носоз, **бошланғич нархи — 1 438 267 сўм 12 тийин.**

**Кимошди савдоси (аукцион) 2006 йил 31 январь куни соат 11.00 да Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлимида: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қаватда ўтказилади.**

Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдорида тўлов тўлаб қатнашишлари мумкин.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Тошкент вилояти, Тошкент тумани суд ижрочилар бўлинмасида якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар давом этади. Кимошди савдоси ўтказиладиган кундан 3 кун олдин ариза қабул қилиш тўхтатилади.

Кимошди савдоси Тошкент вилояти Судлар департаменти биносида бўлиб ўтади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават.

Тошкент тумани, генерал К. Ғафуров кўчаси, 10-уй (ариза қабул қилиш).

**Маълумот учун телефонлар:**
152-73-43, 53-08-78, (8-296) 53-718.

## Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

# МИРЗАБЕК ҚИССАСИ

### ДИЛДАН СУҲБАТ

Душанба куни эрта билан цех бошлиғига учрашдим, воқеани айтиб, беш-ўн кунга ўз ҳисобимдан жавоб беришини сўрадим. У ўйлаб турди-да:

— Яхши, — деди ниҳоят. — Сен боравер-чи. Фақат эртага кечки пайт бир учрашайлик.

Мен яна Култепага йўл олдим. Уйда онам, катта божам маслаҳатлашиб ўтиришган экан. Сўрашиб, опаси ҳовлига чиқиб кетди. Унга онамиз ҳам эргашди. Божам иккимиз ёлғиз қолдик. У оҳиста гап бошлади:

— Хуллас, укам Бахтиёр, кечаги гапларингни эшитдим. Оғир, ниҳоятда оғир юкни зиммангга олаётганингни, бу хонадонга куёв бўлиб эмас, хонадон бошлиғи бўлиб кираётганингни тушунасанми ўзинг? Ҳаёт ўйин ўйналадиган саҳна эмаслигини англайсанми? — божам бир фурсат жим қолди, нималарнидир ўйлади-да: — Аммо лекин Гулноранинг мижжаларида бир томчи ёш кўрсам, бу осуда хонадондан бир баҳя баланд овоз чиқса, олдиндан айтиб қўяй, аяб ўтирмайман... — деди.

Шу аснода нима дейишни билмасдим. Рўпарамда ўтирган мана шу йигитни аҳдим қатъийлигига, бу хонадон ўзим учун аллақачон азиз, муқаддас бўлиб қолганлигига қандай ишонтирай, деб ўйлардим.

Ниҳоят, туйғуларимни тизгинлаб олдим, шу кунларда ишларим ниҳоятда кўплигини ўйлаб:

— Индинга тўйни олиб келамиз, божа, — дедим. — Умуман, ишхонамдагилар, ўн-ўн беш улфатларимдан бўлак маслаҳатдошим, елкадошим йўқ, билсангиз. Мана, сиз билан икки-уч бор суҳбатлашдик, фикрлашдик. Менга тасалли берадиган, кўнглимни кўтарадиган жиҳат шуки, сиз билан фикрдош чиқиб қолдик. Ҳаёт нима, аччиқ нима, чучук нима — ҳаммасини обдон татиб кўрди мана шу бош. Энди, божа, елкадош, тирсакдош бўлсак, биргаликда ҳаётимизни ширин қилиш ҳаракатида бўлсак бас.

Холдорали ака сўзларимни тинглаб, мендан кўз узмай ўтирарди. Чамамда, сўзларим қанчалик юракдан чиқаётганлигини илғаб олмоқчи кўринади. Кўзларимиз тўқнашганда кўзларини олиб қочмас, хотиржам, лекин ўйчан эди.

— Деярли ҳамма нарса бут бўлаяпти, — дедим сўзимни давом эттириб. — Фақат битта нарсада қўллаб юборсангиз. Тўйга қўй йўқ. Шуни энди ўзингиз зиммангизга оласиз. Вақти келиб, бу яхшилигингиз...

Холдорали ака даст ўрнидан туриб кетди, дастурхонни айланиб ўтиб, қучоқларини катта очганича, мени бағрига босди...

### «ЗАГС ОПА» ВАЖОҲАТИ

— Қани, энди ишга ўтайлик, — деди ҳовлига қўлтиқлаб олиб чиқиб. — Наси, Гулнорани топиб кел, сой бўйидаги далада картошка чопишаётган эди.

Ҳамон қўлтиқлашиб турганимизга ошхонадан кўзи тушиб, онамиз секингина бизга яқинлашди.

— Ойи, — деди Холдорали ака, — булар ЗАГСга ўтиб келишсин. Гулнорни отлантиринглар. Индинга тўй оламиз, якшанба куни — никоҳ тўйи. Мен маҳаллага чиқиб, оқсоқолга қулоқ қоқди қилиб келай.

— Онагинангиз ўргулсин, болаларим, — онамиз елкаларимизга қоқиб-қоқиб қўйди, кўзларига ёш олди. — Доимо бағри бутунликда яшайлик. Аллоҳ ўзи хонадонимизни файзли қилсин.

Мен олдинроқ, Гулнора Насиба опаси билан кейинроқ қишлоқ шўросига кириб бордик. Котиба Ҳалимахон опа қоғозлардан бош кўтариб, «Хўш?» дегандек бизга қаради, учаламизни бир-бир кўздан кечириб, дабдурустдан:

— Ҳой қиз, эс-ҳушинг жойидами? — деди ўтирган жойида бақрайганича, кейин Насиба опага ўгирилди. — Бу ҳали бир жиш, ақли етмаса, сенинг кўзинг қаёкда? — Котибанинг шанғиллаб гапириши, томдан тараша тушгандек, беандишалик қилишидан авзойим бузила бошлаганини кўриб, Насиба опа:

— Бахтиёр, Гулнора, бироз ташқарига чиқиб туринглар, — деди оҳиста.

Унинг овози шундай сокин, хотиржам эшитилдики, устимдан бир пақир совуқ сувни ағдариб юборишгандек, бир сесканиб, титрадим-у, ўзимга келдим, эшик томон юрдим. Изма-из Гулнора ҳам чиқиб келди. Тепаликдаги бинодан кафтдагидек кўринаётган олис-олис далаларга тикилганимча туриб қолдим. Гулнора ҳам рўмоллари учини ўйнаб, ёнма-ён турарди. Унга ўгирилмай сўрадим:

— Гулнор, ишонасанми менга?

— Сизда шундай бир хислат борки, ўша олма сотиб турганимдаёқ илғаб, унга ром бўлиб, чиппа-чин ишонганман-қўйганман.

— Раҳмат, — дедим енгил нафас олиб. — Шу сўзларинг қуввати умримнинг охиригача етади. Асло унутмайман бу сўзларингни, жоним, Гулнорам...

Шу пайт ичкаридан чақириб қолишди. Кирсам — Насиба опанинг ранги ўчган, Ҳалимахон опанинг важоҳати яна ҳам ўзгарган. Яна шанғиллашга тушди:

— Ҳой йигит, шаҳардан келдим, нима қилсам ўтаверади десанг, янглишасан. Ҳали балоғатга етмаган қизгинанинг бошини айлантириб, эрта-мертан кетмоқчимисан этак қоқиб? Қишлоқ бедарвоза эмас!

Насиба опа ҳой-ҳойлаб, йўлимни тўсмаганида, билмадим, нима бўларди.

— Бахтиёржон, кетдик. Қани, юринг, укажон.

— Хўп-хўп, — дедим ўзимни орқага олиб. — Кетамиз. Биз Гулнора билан гаплашиб олдик. Ҳали шундай кунлар келсинки, шу аёл бизларга рўпара келганида, ҳозир кўрсатаётган андишасизликлари учун номусга қолсин.

Эшикка яқинлашаётганимда, яна ортга ўгрилдим. Ҳамон стол ортида чимирилиб ўтирган аёлга:

— Якшанба куни тўйга бирга бўлинг, опахон, — дедим.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

(Давоми бор).

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

## «ПАХТАКОР» — ЧОРАК ФИНАЛЧИ!

**Россия пойтахти Москва шаҳрида футбол бўйича XIV маротаба ташкил этилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) чемпионлар кубоги мусобақасида гуруҳ беллашувлари якунланди.**



Тўртта гуруҳдан дастлабки икки поғонани эгаллаган жами саккиз жамоа чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Ўзбекистоннинг амалдаги чемпиони — "Пахтакор" (Тошкент) жамоаси ҳам бош соврин учун курашни давом эттирмоқда.

**ЎзА.**

**Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) 2006 йилги мавсумда ўз шафелигида ўтказиладиган мусобақалардаги футбол учрашувларини бошқаришга таклиф этиладиган олий тоифали ҳакамлар рўйхатини эълон қилди.**

## ҲАКАМЛАРИМИЗ – ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАРДА

Ўзбекистон футбол федерациясидан маълум қилишларича, мазкур рўйхатдан ўзбекистонлик ҳакамлардан икки нафари — ФИФА рефериси Равшан Эрматов ҳамда Рустам Саидов жой олган. Жорий йилнинг 26-28 январь кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ОФКнинг 2006 йилдаги мусобақаларини бошқарадиган олий тоифали ҳакамлар учун махсус ўқув курслари ташкил этилади.

## МИРЖАЛОЛ ФУТБОЛНИ ТАРК ЭТАДИ

**Миржалол Қосимов футболчилик фаолиятини якунлашга қарор қилди. Энди у ўзини мураббийликда синаб кўради.**

Жорий йилнинг ёзида Ўзбекистон терма жамоаси Осиёнинг номдор термаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиши ва унда Миржалол Қосимов иштирок этиши кўзда тутилган. Шу тариқа Ўзбекистон футбол федерацияси Миржалол Қосимовнинг хайрлашув учрашувини ташкил этишни кўзда тутган.

## «RAPSHEE» ОҲАНГЛАРИ

**Тошкентда "RAPSHEE" мусиқий лойиҳасининг тақдимот маросими ўтказилди. Лойиҳанинг мақсади қадимий миллий мусиқа асбобларини қайта тиклашдан иборатдир.**

Тақдимот маросимида лойиҳа доирасида яратилган дастлабки асарлар томошабинлар диққатига ҳавола этилди. Бу дилрабо оҳанглар ўзининг сержилолиги ва бетакрор сеҳри билан кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон Ёшлар театрининг бадиий раҳбари Наби Абдураҳмонов ушбу оҳанглардан янги спектаклни саҳналаштиришда фойдаланишини билдирди.

Мазкур миллий лойиҳа Швейцариянинг тараққиёт ва ҳамкорлик бўйича Бошқармаси томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Отаназар Матёқубов, Акбар Ҳакимов, Рустам Абдуллаев каби таниқли мусиқашунос олим ва созандалар лойиҳага экспертлик қилишмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

## ҲАРБИЙЛАР ҲАЁТИДАН

**Ўзбекистон давлат санъат музейида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб очилган фото кўргазмада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси суратчиси Сергей Спиридонов ижодига мансуб асарлар намойиш этилмоқда.**

Қуролли Кучларимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчилар ҳаёти, ўқув машғулотлари, мазмунли дам олишлари — С. Спиридонов фотоасарларининг асосий мавзуидир. Унинг кўргазмадан жой олган "Ҳарбийлар қасамёди", "Ота-оналар табриги", "Ўқув машғулотлари", "Ҳарбий тайёргарлик" каби мавзулардаги суратлари Ватанимиз ҳимоячиларининг ана шундай шарафли ва масъулиятли ҳаётига бағишланган.

**ЎзА.**

*Турмуш чорраҳаларида*

# РАҲМАТ СИЗГА, ОДАМЛАР!



Уйга келишим билан қизим қўлимга таклифнома тутқазди. Зарҳал ҳарфларга кўз югуртирдим. Низомжон... Холида. Наҳот бу ўша Низомжон бўлса? Ҳа, худди ўзи. Мана, манзили ҳам ўшаники.

Низомжоннинг қиёфаси кўз ўнгимда гавдаланди. Кейин негадир куйди-пишди шифокоримиз Тожихон опани эсладим. Кичкина Бахтиёрнинг жажжи қўллари билан отасининг юзини жимгина силаб ўтириши хаёлимда жонланди...

Низомжоннинг аҳволи кун сайин ёмонлашиб борарди. Палата шифокори Тожихон опа эрталаб ишга келиши билан биринчи навбатда Низомжондан хабар олар эди. У беморнинг нафас олиши ва қон-томир тизимларини синчиклаб текшириб кўргач, ҳамиша: «Қалай, кечаси безовта бўлмадими?» деган бир хил савол билан бизга мурожаат қилар эди. Тожихон опанинг бу сўзи оҳангида бемор дардига нажот истовчи қандайдир бир илтижо бўлардики, биз палатадошлар жонкуяр шифокоримизнинг кўнглини кўтариш учун ақалли бир оғиз сўз айтишга ожизлик қилардик.

Низомжонни бу ерга олиб келишганига бир ҳафта бўлибдики, шу аҳвол. Бунинг устига унинг на бир узоқ-яқини, на оиласидан дарак бор. Бирдан бир жонкуяри шу Тожихон опа. Бир кунда тўрт-беш марта кириб чиқади бу палатага. Ҳар гал бемор устида парвона. Биз палатадошлар ҳам уни ёлғизлатиб қўймадик. Навбатма-навбат Низомжонга қараб туришни ўзимизнинг бурчимиз деб билдик.

Роса еттинчи куни уни сўроқлаб бир онахон келди. У етаклаб олган 7-8 ёшлар чамасидаги бола Низомжонни кўрди-ю, жовдираганича унга тикилиб қолди. Онахон биз билан салом-алик қилгач, бемордан ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Низомжон гапира олмаса ҳам ҳар қалай кампирга мамнун термулиб қўйди. Болани кўрганда негадир унинг киприкларига ёш тўлди. Сўнг бирдан кўзларини юмиб олди.

— Ҳеч кимнинг бошига солмасин экан, — гап бошлади онахон аста. — Бечора ярим йилдан бери тилсиз. Бунинг устига оёқ-қўли ишламайди. Қандай йигит эди-я. Кўрганнинг ҳаваси келарди. Хотини ўлгур шу кўйга солди. Уни мана шу суқсурдек боласи билан ташлаб, бошқаси билан қочиб кетди. Низомжон бечора иснодга чидолмай, куя-куя шу дардга чалинди. Менинг исмим Рисолат. Унинг қўшниси бўламан. Уч-тўрт кунга қишлоқдаги қариндошларникига кетган эдим. Низомжоннинг касалхонага тушиб қолганини шу бугун эрталаб эшитдим. Эшитдим-у, бу ёкқа йўл олдим. Ҳайрият, уни соғ-саломат кўрдим. Сизлардан илтимос, унинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туринглар. Савоб бўлади. Биз борақолайлик энди.

Онахон болани қўлидан судраганича зўр-базўр олиб чиқиб кетди. У кетгач, Низомжон кўзини очди. Кимнидир қидириб шиддат билан ўрнидан турмоқчи бўлди. Уни аранг тинчлантирдик.

Эртасига тушдан кейин енгил-елпи кийинган кечаги бола — Бахтиёр палатага кириб келди. Унинг икки қўлида иккита тухум. Биз ажабланиб болага тикилиб қолдик. У индамай ёнимиздан ўтиб, Низомжон ётган каравот тепасига борди. Қўлидаги тухумларни авайлаб шкафча устига қўйди. Каравот четига ўтириб, отасига термулганича кичик бармоқлари билан унинг юзини оҳиста силай бошлади. Кечқурун кечаги онахон — Рисолат хола Бахтиёрни қидириб келди.

— Ҳаҳ, боласи тушмагур-ей, шу ердамисан-а? Ахир қидирмаган жойим қолмадику. Нақ ўтакамни ёра ёздинг. Бир оғиз айтмайсанми, отамнинг олдига бораман деб...

Биз унга бўлган воқеани айтиб бердик.

— Бола бечора отасига илинган-да. Бу тухумни ўзига эрталаб сувда қайнатиб бергандим. Қаранг, емай бу ёкқа олиб келибди, — деди Рисолат хола ёқасини ушлаб.

Шундан кейин Бахтиёр ҳаммамиз учун қадрдон бўлиб қолди. У деярли ҳар куни касалхонага қатнайди. Ҳар гал жимгина ўтирганича, отасининг юзини силайди. Ондасонда биз томонга ўғринча қараб қўяди. Саволларимизга истар-истамай жавоб беради.

Шундай кунларнинг бирида келинчакдек ясан-тусан қилиб олган, кўринишидан шаддодгина бир аёл сўровсиз-истовсиз палатага кириб келди. Орқасида иссиқданми ёки югурганиданми, терлаб-пишиб кетган Рисолат хола. У ҳадеб жувонга ялинади:

— Жон болам, ундай қилманг. Ўтинаман, орқангизга қайтинг. Бечоранинг аҳволи оғир. Ўз дарди ўзига етади. Сизни кўрса яна бир кор-ҳол бўлиб юрмасин. Унга раҳмингиз келмаса, болангизга раҳмингиз келсин. Уни тирик етим қилманг.

— Вой табва, намунча жон куйдирасиз? Нима қилсам ўзим биламан. Бегона хотинсиз, сизга нима?

Жувоннинг бу сўзи Рисолат холани тутоқтириб юборди.

— Нима-нима? Ким бегона? Олти ойдан бери ўғлингни бағрида олиб ўтирган, эринг Низомжоннинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турган, мен энди бегона бўлдимми сенга? Бегона деб сени айтса бўлади. Йўқол, кўзимдан, беномус.

Шовқин-суронни эшитиб, палатага Тожихон опа кирди. Рисолат хола энди унга гап тушунтира кетди.

— Буни қаранг қизим, бу қанақа нодонлик, бу қанақа бедодлик. Эри ўлим тўшагида ётса-ю, аҳмоқ хотин ундан ЗАГС қоғозини сўроқлаб келса. Ахир Низомжон кўзини очсин, оёққа турсин, кейин оларсан ўша қоғозинг ўлгурни десам, «Йўқ, менга ҳозир керак. Шу бугуноқ ЗАГСдан ўчмасам бўлмайди» дейди. Сиз ўзингиз айтиб, тушунтиринг қизим, бу тил билмас ғалчага.

Тожихон опа жувонга нафрат билан тикилди. Нимадир демоқчи бўлди. Лекин тили бормади шекилли, индамай уни хонадан олиб чиқиб кетди. Жувон ўғли Бахтиёрга, ҳатто, қайрилиб қарамади ҳам. Унинг бу қилмиши кампирнинг асабини баттар қўзғатди.

— Қаранг-а, ўзи туғиб ўстирган фарзандидан ҳам ЗАГС қоғози заруррок экан унга. Эрталаб келгандан бери ўғлини сўраб-суриштирармикан дейман, бу ҳақда бир оғиз чурқ этмайди. Охири зора инсофга келса, деб ўзим оғиз очсам: «Ҳозирча бола шу ерда тура турсин, кейин олиб кетарман. Эрим бегона болани ёқтирмайди», дейди. Вой, ўзингнинг боланг ўзингга бегона бўлдими, фарзанд кўр қилгур? Бахтиёр тугул унинг тирноғини ҳам сенга бермасман.

Ё, тавба, шундай оналар ҳам бўлар экан-да? Ярим йил кўрмаган фарзанди рўпарасида турса-ю, она унга мутлақо эътибор бермаса, фарзанд уволи тутмасмикан уни? Оғир аҳволда ётган эрининг нафрати уни қандай тинч қўяркин? Маҳалладошлар қарғишига учрамасмикан у? Оиласидан совутиб, ўғлидан жудо қилмоқчи бўлган кейинги эр унга эрлик қилармикан?..

Атрофингда яхшилар кўп бўлса ўлим ҳам чекинар экан. Шифокорларнинг дори-дармоними, ёки одамлар меҳрими, Рисолат холанинг елиб-югуришими, Бахтиёрнинг шифобахш қўлларими, ҳар қалай мўъжиза юз берди. Низомжон тилга кирди. Кейин бир соат, ярим соат туриб ўтирадиган бўлди. Биз, палатадошлар шифо топиб, уйга қайтарканмиз, у билан қуюқ хайрлашдик.

— Раҳмат, — дерди Низомжон эндигина тилга кираётган бола сингари тутила-тутила, — яхшиликларингизга қайтарай, сизларнинг меҳрингиз туфайли соғайдим.

Биздан кейин кўп ўтмай, у ҳам уйига қайтибди. Бу қувончли хабарни эшитиб, палатадошлар йиғилишиб, Низомжонларникига бордик.

Ўша куни роса гурунглашиб тонготарда уйга қайтдик. Орадан уч-тўрт ой ўтиб Низомжон бутунлай оёққа туриб кетди. У билан гоҳ-гоҳ бўлсада, ҳар қалай кўришиб турардик. Шундай учрашувлардан бирида у хотинидан сўз очиб қолди.

— Тунов куни ундан хат олдик. Эри ташлаб кетибди. «Ҳеч кимим қолмади, бир ўзим бошимни қайси тошга уришни билмайман. Шундай вақтларда ҳеч бўлмаса, ёнимда ўғлим Бахтиёр бўлсачи, деб ўкинаман. Афсус у ҳам мендан узоқда. Сиз ҳарқалай эркак кишисиз, бир кунингизни кўриб кетасиз, ўтинаман, ўғлимни менга беринг», — деб ёзибди.

Шундан кейин Низомжон билан қайта учрашмадик. Мана энди эса қўлимда тўй таклифномаси. Демак, Низомжон уйланяпти. Бахтиёржон оналик бўляпти. Ишқилиб бахтли бўлишсин.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**

*Шундан кейин*

## СУНЪИЙ ЗИЛЗИЛА

**Япониялик сейсмологлар сунъий зилзила генераторини синовдан ўтказишди.**



E-Defence деб номланган бу қурилма бунёд этилган иншоот ва бинолар мустаҳкамлигини текшириб кўришга мўлжалланган. Бир йилдан камроқ муддат муқаддам яратилган бу кашфиёт маҳсули вазни 1,2 минг тонналик уйлар жойлашган 300 квадрат метр майдонни бемалол «тебрата» олади.

Инсон тафаккури ва имкониятларининг чеки йўқ деб шуни айтсалар керак.

## ЎЗГАРМАГАНИ ДУРУСТ

**Одам ирсиятидаги деярли сезиларсиз ўзгариш ҳам кутилмаган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.**



Геншунослик фани тадқиқотчиларининг қатор изланишлари бунга яққол далил бўла олади. Хусусан, европаликларда учраётган генлар тизимининг озгина бошқача тус олиши уларнинг иккинчи тур қанд диабети хасталигига чалиниши хавфини кучайтираркан.

Демак, инсон генлари тизими ўзгармагани дуруст экан-да!

## ПАРҲЕЗДА ГАП КЎП

**Кундалик таомлар моддий мувозанатидаги бузилиш руҳий хасталикларга мойилликни оширади.**



Тадқиқот муаллифларининг фикрича, у ёки бу егулик таркиби ҳақидаги анъанавий тасаввурлар ҳозирги кунда эскирган. Гап шундаки, саноат технологияларининг қишлоқ хўжалигига фаол татбиқ этилиши натижасида маҳсулотлардаги маъданлар, витаминлар ва бошқа тўйимли моддаларнинг нафис мувозанати бузилганмиш.

Тиниб-тинчимаган олимлар бизни яна нима билан хушнуд қилишаркин?

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2005 йил 21 октябрь кунидаги қарори билан Балтабоев Бахтиёр Абдушукуровичга 2003 йил 30 майда берилган TS 000096 серияли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинади.

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2005 йил 30 декабрь кунидаги қарори билан Қибрай тумани юридик маслаҳатхонасининг адвокати Буриева Шахло Уктамовнанинг 2001 йил 12 декабрда Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан берилган TS 000358 серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси номуайян муддатга тўхтатилади.

**Совместное предприятие в форме открытого акционерного общества «YADEM TEKSTIL» уведомляет Вас об уменьшении размера уставного фонда с 12 879 520 долларов США до 12 824 498 долларов США. Уменьшение уставного фонда будет осуществляться путем сокращения количества акций. Тел.: 133-06-00.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 март 148-сонли қарори билан Тошкент вилояти чигирткага қарши курашиш экспедицияси Тошкент вилояти чигирткага қарши курашиш хизмати деб номланиб, «Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агро кимё» маркази таркибига киради.**

Мирзо Улуғбек туманидаги «SHIRIN SANOAT SAVDO» МЧЖ (ОКПО 18106213) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида **126-09-20** рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бектемир туманидаги «Traide-Invest» МЧЖ (ОКПО 19659291) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида **195-08-33** рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги «TEXNOXIM» хусусий корхонаси (ОКПО 19745688) «TEXNOXIM» масъулияти чекланган жамияти деб юритилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида **42-93-62** рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги Тошкент вилоят «Матлуботсавдо» АК негизида Тошкент вилоят «Матлуботсавдо компанияси» МЧЖ ташкил этилди.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб **54-25-24, 54-04-96** рақамли телефонлар орқали 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

Юқоричирчиқ туманидаги 8-умумтаълим мактаби томонидан 2001 йилда Рисманбетова Гулаш Бахтияр қизига берилган O'R-Z 0875957 рақамли 9-синфни битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-342. Адади 12342. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.50. 1 3 4 5 6